O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
24 январь
ШАНБА

№ 7
(12.122)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

# ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Аввало, мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда стратегик шериклик, 2005 йилда иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар имзоланиб, ўзаро ҳамкорликни олий босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлаш жоиз. Умуман, мамлакатларимиз ўртасида давлат ва ҳукумат даражасида турли йўналишлардаги ҳамкорлик масалаларини қамраган юз элликдан зиёд ҳужжат қабул қилинган.

Россия – Ўзбекистоннинг энг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардан ташқари, коинот тадқиқотлари каби мураккаб йўналишларда ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этиш керак. Бу манфаатдорлик иқтисодий шериклик ва халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашда, шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш, турли таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам намоён бўлади. Россиянинг жанубий ҳудудлари хавфсизлигини таъминлашда Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда асосий ўрин тутувчи Ўзбекистон ғоят муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам жадал ривожлантирилмоқда. Бу ҳамкорлик ҳарбий машқлар ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, ҳарбий техникани янгилаш ва замонавийлаштириш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Россия 2009 йилда ўз ташқи сиёсий фаолиятини Тошкент саммитидан бошлагани ҳам чуқур рамзий маънога эга. Бу муҳим воқеа Ўзбекистон ва Россияда икки томонлама муносабатларга алоҳида эътибор билан қаралишининг яна бир ифодасидир.

23 январь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон-Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик ўзаро ҳамкорлик тараққиётининг муҳим омили экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг сиёсий ва иқтисодий алоқалари жуда фаол ва кенг қамровга эга. Халқаро майдонда икки давлат бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Бу муайян масала ва муаммоларга қарашлар ўхшаш ёки яқин эканининг натижасидир. Сиёсий ҳамфикрлик Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммосида ҳам, энергетик хавфсизлик борасида ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч қарор топган.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2008 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Россияга борди. Июнь ойида МДҲнинг Санкт-Петербургда ўтган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон ва Россия Президентлари яна учрашдилар. Сентябрь ойида эса Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин Тошкентга келди.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28,6 фоизи) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга хизматлар (26,3 фоиз), мева ва полиз маҳсулотлари (16,3), табиий газ (11,3), тўқимачилик буюмлари (5,7), кимё саноати маҳсулотларини (4,1) экспорт қилади. Россиядан эса асосан ускуналар, ёғоч, қора ва рангли металлар, тиббиёт, микробиология ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар импорт қилинади. Аслида экспорт-импорт операцияларида қайд этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати янада катта ва хилма-хил. Масалан, Ўзбекистон Россия тўқимачилик саноати корхоналарига пахта толаси етказиб берувчи асосий экспортчи саналади. Ўз навбатида Россия Ўзбекистон автомобилларининг энг йирик импортчисидир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг суҳбатида мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани қайд этилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш борасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари иштирокида Оқсаройда ўтган кенгайтирилган таркибдаги музокарада давом эттирдилар. Унда асосий эътибор иқтисодий-сармоявий, гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасида сармоя соҳасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу соҳада фаоллик кескин ошди. Масалан, ҳозир юртимизда фаолият юритаётган 786 Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг учдан бир қисми кейинги икки йилда тузилган. Россия томонидан бу корхоналарнинг низом жамғармасини шакллантиришга киритилган сармоя ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ошади. Ўзбекистонда Россиянинг 127 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 349 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## *Марлар қўриқлайди Ватанни!*

**Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши тасарруфидаги ташкилотларда республика Президентининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижроси аниқ режа асосида олиб борилди.**

**Аввало, ўқув муассасаларида 2008 йил ноябрь ойида бошланган машғулотларни қисқа фурсатда сифатли якунлаш ва 2009 йилнинг январь ойида таҳсил олган курсантларнинг тантанали битирув маросимларини ўтказишга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилиши таъминланди.**




# ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ



Жумладан, 16 январь куни ўқув муассасаларида автомобилни бошқариш бўйича 50 километр масофага марш, сўнгра ҳарбий ички имтиҳонлар ўтказилди.

Тадбирлар дастурида кенгаш тасарруфидаги ўқув муассасаларда 21-24 январь кунлари курсантларнинг тантанали битирув маросимларини ўтказиш режалаштирилган эди. Дастлабки шундай тадбир 21 январь куни Янгийўл автомобиль мактабида биринчи босқич курсантлари иштирокида ўтказилди.

Маросимда ҳокимлик, мудофаа ишлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, оталиқ ҳарбий қисм ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда курсантларнинг ота-оналари иштирок этди. Сўзга чиққанлар курсантларни автомактабни муваффақиятли битирганлари билан табриклаб, ҳайдовчилик касби миллий армиямиз сафидаги хизматлари чоғида ҳам, кейинги ҳаётлари давомида ҳам жуда асқотишини таъкидладилар.

Курсантларга ҳайдовчилик гувоҳномалари, автомактаб "Фахрий ёрлиқ"лари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари, ота-оналарга эса автомактаб бошлиғининг ташаккурномалари тақдим этилди.

– Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга обдон чиниқиб боришга нима етсин, – дейди автомактабни битириб, ҳайдовчи гувоҳномасини олган Алибек Сатторов. – Ҳадемай, биз ҳам армия хизматига борамиз. Ишонаманки, ҳам ҳарбий касб, ҳам жисмоний тайёргарлик хизмат даврида жуда асқотади.

СУРАТЛАРДА: тантанали битирув маросимидан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

**Янгийўл шаҳри ва туманидаги барча ўқув юртларида ОИТС, гиёҳвандлик ҳамда ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш мақсадида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.**

## «ЎЗЛИГИНГНИ УНУТМА»

Ушбу тадбирларда республика Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликларининг малакали мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этишаяпти. Равшан Ёриев бошчилигидаги "Турон" ёшлар театр студияси актёрлари ижросидаги "Ўзлигингни унутма" деб номланган саҳна асари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## Вилоят ҳаёти

### ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИК

**Зангиота тумани Зангиота қишлоғидаги шифокорлик пунктининг қайта таъмирлангани маҳаллий аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратди.**

Шифо маскани бир йўла замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан ҳам тўлиқ таъминланди. Энди аҳоли кундузги бўлимда бемалол даволаниб, ўз соғлиғини тиклаб олиш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, эмлаш хонасига махсус ускуна ўрнатилиб, ёш болаларни ҳам тиббий кўрикдан ўтказилаяпти, ҳам эмланаяпти.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

### ЯНГИБОЗОРДА ИШ БОШЛАДИ

**Янгибозор шаҳарчасида "Ҳаётхон" аёллар гўзаллик салони иш бошлади. Уни Кавардон қишлоғида яшовчи ёш тадбиркор Ҳаётхон Нуъмонхўжаева очди.**

– Юртимиз мустақилликка эришгач, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликка кенг йўл очилди, – дейди ёш ишбилармон. – Истиқлолга юз тутган она юртимга хизмат қилаётганимдан мамнунман.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

### «СУЛТОНРАВОТ» ҒОЛИБ

**Янгибозор шаҳарчасидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташаббуси билан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб маҳалла ёшлари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.**

Бу мусобақада 1993-1995 йилларда туғилган ёшлар иштирок этишди. Бешта маҳалла футбол жамоалари ўзаро куч синашишди. Мусобақада "Султонравот" биринчи ўринни эгаллади.

## *Мулоқот*

# МЕҲМОН ҲАМ МУҲАРРИР, МЕЗБОН ҲАМ

**Шаҳар ва туман газеталари бош муҳаррирлари кенгаши йиғилишини ўтказиш вилоятда яхши анъанага айланди. Уларда оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларга амал қилиниши, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим масалаларини ёритиш тажрибалари умумлаштирилиб, газеталар таҳририятларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш билан боғлиқ муаммолар борасида фикр алмашинувлар бўлиб ўтмоқда.**

Навбатдаги шундай йиғилиш Қуйичирчиқ туманида ўтди. Туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Хуршида Абдуғаффорова иштирокчиларга ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ўтган йилги якунлари, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги режалар ҳақида гапириб берди. Шундан кейин бош муҳаррирлар "Эркин сўз" газетаси таҳририяти ижодкорлари изланишларининг асосий йўналишлари билан танишдилар.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларга амал қилиш – таҳририятлар ривожининг ишончли кафолати" мавзуидаги маъруза иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Кенгашда шаҳар ва туман газеталари чиқишларининг мундарижаси ҳамда таъсирчанлигини оширишнинг бошқа долзарб масалалари хусусида ҳам фикрлашиб олинди.



**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## *Муҳофаза*

# ҲАЁТ – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

**Она-табиат сир-синоатларининг чек-чегараси йўқ. У мўъжизакор, сўлим манзаралари билан кишини ҳайратлантириб, завқ бахш этиш билан бирга гоҳида инжиқликлар ҳам қилиб туради. Кутилмаган ер силкинишлари, сув тошқинлари ва кучли тўфонлар киши ҳаётига жиддий хавф солмай қолмайди. Бундай пайтларда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ходимларининг хизматларига катта эҳтиёж сезилади.**

Вилоятимизнинг айрим ҳудудлари тошқин, сел, қор кўчкилари ва бошқа табиий ҳодисалар юз беришидан ҳоли эмас, албатта. Бундай офатларнинг олдини олиш, юз бериши мумкин бўлган вазиятларни назорат қилиш мақсадида бошқарма ва унинг жойлардаги шахсий таркиби кучайтирилган хизмат тартибига ўтказилиб, ҳокимликлар, корхоналар, ташкилотлар ҳамда идоралар раҳбарлари иштирокида доимий навбатчилик ташкил этилади.

Табиий жараёнларда кўчкининг аҳоли уй-жойлари ва бошқа иншоотларга хавфи катта бўлиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий оқибатларни келтириб чиқаради. 2008 йил давомида бундай хавфнинг олдини олиш учун бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилди.

(Давоми 2-бетда).

## *Ҳаракат ва хавфсизлик*

**Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида йўловчи ташишни тартибга солиш ва бу турдаги транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

# ЯХШИГА СОВҒА ТАЙИН

Унда йўл ҳаракати хавфсизлиги, солиқ бошқармаси ходимлари, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари ва вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти вакиллари қатнашди.

Йиғилишда соҳада эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмаслиги таъкидланди. Баъзи йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналарда кунлик техник кўрикка ҳамда ҳайдовчининг соғлиғини текширишга эътибор берилмаётганлиги айтиб ўтилди. 1999 йилгача ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларининг техник кўриги махсус жадвал асосида Олмалиқ шаҳридаги 1-диагностика марказида ўтказилиши кераклиги уқтирилди.

– Ҳозирги кунда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган айрим автотранспорт воситаларининг ҳолати талабга жавоб бермайди, – дейди вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Собиржон Ирисбеков. – Шунинг учун корхоналар янги автобус ва микроавтобуслар сотиб олиш масаласига жиддий муносабатда бўлиши лозим. Зеро, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи ҳар бир транспорт воситаси ҳар томонлама қулай ҳамда техник соз бўлиши зарур.

Йиғилишда бундан кейинги шундай тадбирларда намунали йўловчи ташиш корхоналарига махсус совғалар ташкил этиш ва аксинча, иши қониқарсиз деб топилган корхоналарнинг лицензияларини муддатидан олдин бекор қилиш хусусида келишиб олинди.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

## *Ғалла – 2009*

# РИЗҚИМИЗГА МУНОСАБАТ

**Ғалласи тўкин элнинг ризқи бутун, турмуши фаровон бўлади. Юртимизда ғалла мустақиллиги йўлидаги узоқни кўзловчи ислоҳотлар аллақачон ўз самарасини бериб улгурди. Деҳқонларимиз саъй-ҳаракати билан ўтган йили мамлакатимиз ғалла хирмони олти миллион тоннадан ошиб кетди.**

Ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари аъзоларининг айни кунлардаги энг муҳим вазифаларидан бири бу яшил майдонларни пайҳон қилинишидан муҳофазалашдир. Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ер эгалари, маҳалла фаолларидан тортиб, бир қатор давлат ва жамоатчилик ташкилотлари зиммасига аниқ вазифалар юкланган.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан айни кунларда мазкур қарор моҳиятини кенг оммага етказишга бағишланган учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Ўртачирчиқ туманида ҳам шундай тадбир бўлиб ўтди. Қумовул қишлоғидаги вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида уюштирилган давра суҳбатида республика Адлия вазирлиги, вилоят адлия бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари фермерлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар билан ризқ-рўзимизни асраб-авайлаш юзасидан фикрлашдилар. Ғаллани пайҳон қилишдан сақловчи чора-тадбирлар юзасидан таклифлар билдирилди. Фуқароларнинг бурч ва жавобгарлиги масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда шу кунгача ғаллани пайҳон қилиш билан боғлиқ 1600 та ҳолат қайд этилиб, 47 миллион сўмдан зиёд зарар етказилган. Оқибатда 843 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбирда халқимиз ризқини авайлаш барчанинг ҳам инсоний, ҳам фуқаролик бурчи эканлиги, бу борада ҳамжиҳатликда иш кўриш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

# ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради, дунё бўйича эса етакчи ўнликка киради. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Россиянинг "Лукойл", "Газпром" каби йирик энергетик компаниялари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бундай энергетик ҳамкорлик замон талабларига мос, ҳар томонлама долзарб бўлиб, табиийки, ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Яна бир муҳим соҳа – авиасозлик. Дунёда саноатнинг бу турини ўзлаштирган мамлакатлар саноқли. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Россиянинг авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илғор технологиялар ва тажриба билан ўртоқлашиш, биргаликда авиасозлик саноати маҳсулотлари савдоси ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

Мамлакатларимизда янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун улкан салоҳият мавжуд. Мутахассислар сармоявий ҳамкорликда қамров ва ранг-баранглик етишмаслигини таъкидлашади. Яъни, сўнгги 3 йил давомида Россиядан Ўзбекистонга киритилган тўғридан-тўғри сармоянинг 98 фоиздан ортиғи ёқилғи-энергетика мажмуи ва телекоммуникация соҳасига тўғри келади. Бундан шундай хулоса чиқадики, иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқларига ҳам, мазкур икки соҳада бўлганидек, сармоя фаол киритилса, сармоявий ҳамкорликка доир кўрсаткич бир неча ҳисса ортиши шубҳасиз.

Музокарада Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари фаол ва самарали ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган устувор йўналишлар кўриб чиқилди, сармоя соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, иш одамларининг икки мамлакат имкониятлари ҳақидаги маълумотини кўпайтириш учун миллий кўргазмалар, бизнес-форумлар ташкил этишни изчил давом эттириш, минтақалараро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам тўхталдилар. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Россия халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади.

Ўзбекистонда Рус маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда "Росзарубежцентр" ваколатхонаси ишлаб турибди. Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилган.

Спорт, сайёҳлик ва қатор бошқа соҳаларда ҳам алоқаларнинг кўламини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Маданият, спорт, дам олиш, саломатликни тиклаш каби соҳаларга оид сайёҳлик борасида талай қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Масалан, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар ташкил қилинса, икки томон учун ҳам катта самара беради.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия Президентларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

– Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг мантиқий давомидир, – деди Ислом Каримов. – Россия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шеригидир. 2008 йилда жаҳонда иқтисодий вазият мураккаблашганига қарамай, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг кўрсаткичи ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда. Биз кооперация алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сармоявий ҳамкорликни диверсификациялаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар билан боғлиқ масалаларни, Афғонистон муаммосини муҳокама қилдик.

– Бугунги музокаралар ўзаро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасида эканини намоён этди, – деди Дмитрий Медведев. – Давлат сиёсати манфаатдорлик ва ишонч омиллари асосида шаклланади. Бизнинг алоқаларимизда ана шу икки омил мавжуд. Ўзбекистон билан Россия ўртасида яхши, фаол ва кенг кўламли муносабатлар қарор топган. Стратегик ҳамкорликни ривожлантириш мумкин бўлган устувор соҳаларни кўриб чиқдик.

Россия Президенти трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш масаласи тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, бундай ҳолларда қўшни мамлакатлар билан келишиш, иншоотнинг экологик хавфсизлигини кафолатлаш, тегишли халқаро меъёрлар ҳамда қўшни давлатлар билан тузилган икки томонлама ҳужжатлар асосида иш тутиш лозимлигини таъкидлади.

Россия Президенти Дмитрий Медведев Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Дмитрий Медведев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Россия Президентига ушбу олий таълим масканининг фахрий доктори унвони берилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

Шубҳасиз, мазкур ташриф асносида эришилган келишувлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида равнақ топаётган Ўзбекистон-Россия муносабатларини янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Саховат



*Илгари хабар қилганимиздек, вилоятимизда "Хайр-эҳсон" ўн кунлиги давом этмоқда.*

*Ушбу инсонпарварлик акцияси доирасидаги дастлабки марафон Зангиота туманидан бошланди. Тадбирдан асосий мақсад аҳолидан тушадиган ихтиёрий хайрия маблағларини Ўзбекистон "Қизил ярим ой" жамияти вилоят кенгаши ҳисобига ўтказиб, аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга йўналтиришдир.*

# ЗАНГИОТА МУҚАДДИМАСИ

Туман ҳокимлигининг мажлислар зали хайрия марафонида баҳоли қудрат иштирок этиш истагида бўлган фуқаролар билан тўлди.

– Биз ушбу хайрли акцияни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга ва бевосита иштирок этаётган меҳр-оқибатли ҳамюртларимизга миннатдорчилик билдирамиз, – деди "Қизил ярим ой" жамияти вилоят кенгаши раиси Нигора Рустамова. – Тушган барча маблағлар кенгашимиз томонидан ёлғиз кексаларни, кам таъминланган оилаларни ва боқувчисини йўқотган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган мақсадли дастурнинг ижросига йўналтирилади. 2009 йилда шу йўналишда амалга ошириладиган ишларимиз режаси мукаммал ишлаб чиқилган ва унинг ижросини, албатта, таъминлаймиз.

Ҳақиқатдан ҳам, "Қизил ярим ой" жамияти вилоят кенгашининг фаолияти доираси жуда кенг. Жумладан, вилоятимизнинг тоғли ҳудудларида яшовчи аҳолини вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда табиий офатлар юз берганда қандай ҳаракат қилишга ўргатиш, кўнгилли санитария гуруҳларини тузиш, бир сўз билан айтганда, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Зангиотадан бошланган марафон муайян даражада маданий тадбирга ҳам айланди. Унда таниқли санъаткорлар ҳамда маҳаллий бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

"Хайр-эҳсон" ўн кунлиги доирасидаги ёрдам марафонлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида 30 январгача давом этади.





СУРАТЛАРДА: марафон ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

## Диққат, танлов!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказади.**

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2008 йилнинг 31 мартидан 2009 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2009 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

– журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

– фаол фуқаролик позицияси учун;

– ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

– ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

– "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган энг яхши материал учун;

– маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

– ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;

– энг яхши журналистик текширув учун;

– мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

– энг яхши режиссёрлик иши учун;

– энг яхши матбуот хизмати;

– энг яхши фоторепортаж учун;

– энг яхши карикатура учун;

– чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz**

## Муҳофаза

# ҲАЁТ – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Вилоятнинг экологик хавф мавжуд ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли билан мавсумолди тушунтириш ишлари олиб борилди. Жумладан, Ангрен шаҳрида 1 та хўжалик доимий яшаш жойига, Оҳангарон туманида 3 та, Бўстонлиқ туманида 1 та хўжалик вақтинчалик хавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Шунингдек, Бўстонлиқда 2 та хўжаликка хавф солаётган кўчки бутунлай суриб ташланиб, юз бериши мумкин бўлган фалокат бартараф этилди. Бу ҳудудларда 4 та мувaққат назорат-кузатув постлари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигида сув манбалари муҳим ўрин тутади. Шу сабаб дарё, сой ва каналларнинг ҳолати ва сув сатҳи бир меъёрда бўлиши ҳам доимий назоратга олинган. Ҳозирги кунда сув манбаларида муҳофаза тадбирлари олиб борилмоқда. Хусусан, сел-тошқин хавфи мавжуд ҳудудларда ҳимоя чоралари кўрилди. Вилоятда жами 26 та техник иншоотлар шундай ҳудудларда жойлашган. Ўтган даврда Бўстонлиқнинг Чахчам қишлоғидан оқиб ўтувчи Оқсоқота сойи бўйидаги 24-умумтаълим мактаби сел хавфидан ҳимояланди. Ангрен шаҳридаги Дукентсой устидан ўтувчи 35 кВт кучланишли электр узатиш таянчи ҳамда темирйўл кўпригида муҳофаза чоралари кўрилди. Оҳангарон туманидаги Унгут қишлоғидан оқиб ўтувчи Оҳангарон дарёси қирғоқлари мустаҳкамланди.

Бугунги кунда Бекобод шаҳри, Ўртачирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ туманларидаги дарё, канал ва сой устига қурилган 11 та автомобиль кўприги таъмирланмоқда. Бўстонлиқдаги Бозорсой ўзани тозаланаяпти.

Вилоят ҳудудидаги сув ҳавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва аҳоли жалб қилиниб, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Фуқаро муҳофазаси институтида 21 нафар юқори ва ўрта лавозимлардаги раҳбар ходимлар тайёргарликдан ўтказилди. Шунингдек, фуқаро муҳофазаси воситаларининг тайёргарлигини ошириш ҳамда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўка, Чиноз туманларида қўмондон-штаб, Қамчиқ довонида ҳамда "Чимён" дам олиш масканида, иқтисодиёт иншоотларида тактик-махсус ўқув-машқлари ўтказилди. Уларга жами 38 минг 960 киши ва 1738 та техника воситалари жалб этилди.

Ҳаёт – бу инсон учун энг олий неъмат. Шу боисдан ҳар қандай вазиятда уни асраб-авайлаш бизнинг шарафли бурчимиздир. Энг муҳими, дунёда юз бераётган айрим табиий офатлар оқибатидан саросимага тушмаслик, қолаверса, фавқулодда вазиятлардаги дастлабки ҳаракат кўникмаларига эга бўлиш ҳар биримиз учун фойдалидир.

**Журъат ШАРИПОВ,**
**вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).


## Диққат, тендер!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 26 февраль куни соат 16.00 да очиқ тендер ўтказилади**



1. **ВХ-438** й.т. "Балиқчи маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
2. **ВХ-427** й.т. "Авангард маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
3. **ВХ-429** й.т. "Дўстлик маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
4. **ВХ-384** й.т. "Бирлик маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
5. **ВХ-382** й.т. "Наврўз маҳалласи (Роҳат кўли орқали) – Қўйлиқ АШБ"
6. **ВХ-347** й.т. "Жалолтепа маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
7. **ВХ-348** й.т. "Бардонкўл – Қўйлиқ АШБ"
8. **ВХ-428** й.т. "Қўқоновул маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
9. **ВХ-381** й.т. "Паррандачилик фабрикаси – Қўйлиқ АШБ"
10. **ВХ-426** й.т. "Ўртасарой маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
11. **ШИ-1** й.т. "5/1 кичик ноҳия – Қалмақир станцияси" (Олмалиқ ш.)
12. **ШИ-3** й.т. "6-сонли ўрта мактаб – Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш.)
13. **Битта пакет билан:**

**ВХ-505** "Чирчиқ АББ – Оқтош қишлоғи"
**ВХ-504** "Чирчиқ АББ – Ғазалкент АШБ"
**ВХ-538** "Чирчиқ АББ – Айдарали қишлоғи"
**ШИ-14** "8-кичик ноҳия – Максам-Чирчиқ АББ"

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2008 йил 3 мартдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2009 йил 21 февралгача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2009 йил 25 февраль соат 17.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй.**
**Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.**
**Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

